



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94, (76) 221-74-81)

2021 йил «6» июль

VI-30-21-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши тузиш тўғрисида

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмини ривожлантириш, очиклик, шафоқлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони ижроси юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини доимий равишда баҳолаб бориш тизимини йўлга қўйиш, уларнинг аҳоли олдига ҳисобдорлигини ошириш мақсадида, жамоатчилик эшитувини мунтазам равишда ташкил этиш ҳамда Давлат дастурини амалга оширилиб боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар қўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш борасида, жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий вакиллик органларининг маъсулиятини ошириш мақсадида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳудудларда давлат дастурини амалга ошириш юзасидан олиб борган мониторинг натижалари ҳақидаги ахборотни ҳар ойнинг якуни бўйича умумлаштирилган ҳолда аниқ кўрсаткичлар ва камчиликлар акс эттирилган ҳолда вилоят ҳокимига киритиш ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига ёзма ҳисобот тайёрлаш;

худудларда аҳолининг умумий яшаш ва ислоҳотлардан қониқиш ҳосил қилаётганлик даражасини ҳамда давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг олиб бораётган ишлари устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

вилоят ҳокими томонидан кўрсатилган ва белгилаб берилган топшириқлар ҳамда кўтарилган масалалар бўйича жойларда ижрога маъсул бўлган ташкилот ва идора раҳбарлари томонидан топшириқнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда натижаси бўйича тўпланган маълумотлар юзасидан ҳар ойнинг якунида вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш.

4. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳудудий бўлинмаси (М.Қобулова) 10 кун муддатда Давлат дастурларини амалга оширишини мониторинг қилиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқсин.

5. Алоқадор бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари Жамоатчилик кенгаши томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳига жалб қилинган ходимларни қонунда белгиланган тартибда хизмат сафарига юборилишини таъминласин.

6. Вилоят молия бошқармаси бошлиғи (Б.Хурсанов) хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни тўлаб бериш юзасидан вилоят ҳокимига таклиф киритсин.

7. Вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов)га Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилаётган мониторинг ишларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, вилоятдаги бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари худудларда Жамоатчилик кенгашининг мониторинг ишларини (*телевидение ва босма, расмий веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фикрлар ва мурожаатларни*) самарали олиб бориши учун тегишли шарт-шароитларни яратиб берсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий комиссияси раиси А.Хуррамов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Қодиров зиммаларига юклансин.

10. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.

Халқ депутатлари Сурхондарё
вилоят кенгашининг
2021 йил 6 июлдаги
VI-30-21-8-0-К/21-сон қарорига
1-илова

**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
кенгаши аъзолари таркиби**

1-ГУРУҲ

- | | | |
|-----|--|---|
| 1. | БАКИРОВ
Поян Уралович | Термиз давлат университети рус филологияси факультети декани, (ишчи гуруҳ раҳбари) |
| 2. | СОАТОВ
Арзикул Чоршанбиевич | Сурхондарё вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари |
| 3. | СУВОНОВА
Дилбар Набиевна | Термиз шаҳар 12-сонли “Меҳрибонлик уйи” директори |
| 4. | ЧОРИЕВ
Абдураим Равшанович | “Ал-Ҳаким ат Термизий” ёдгорлик мажмуаси директори |
| 5. | ШАЙДУЛЛАЕВ
Шапулат Базарович | Термиз давлат университети Ўзбекистон тарихи ва археология кафедраси мудири |
| 6. | ҚАРАҚУЛОВА
Муяссар Зафаровна | Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри директори |
| 7. | ЖАББОРОВ
Мухиддин | Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси директор ўринбосари |
| 8. | ХУДОЙҚУЛОВ Яраш
Шамсиддин ўғли | Сурхондарё ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошғиғи в.в.б. |
| 9. | ЧОРИЕВ
Улуғбек | Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши раиси |
| 10. | ХАМРАЕВ
Рустам Рахматович | Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси |

Изоҳ: Мазкур гуруҳ Ангор, Музработ, Жарқўрғон, Бандихон, Қумқўрғон туманларида фаолият олиб боради

**Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик
Кенгаши аъзолари таркиби**

2-ГУРУҲ

- | | | |
|----|--|--|
| 1. | ЁҚУБОВ
Иброҳим Алланазарович | Ўзбекистон Экологик партияси вилоят партия ташкилоти раиси,
(ишчи гуруҳ раҳбари) |
| 2. | ДЖУРАЕВА
Дилфуза Жангировна | Сурхондарё вилояти давлат архиви бошлиғи |
| 3. | ХУДОЙҚУЛОВ
Баҳодир Абдикаримович | ЎЗМТДП вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари |
| 4. | ҚОБИЛОВ Эшболта Отамуродович | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали директори |

5. **БЎРОНОВА** Гулноза Асилдиновна
Шеробод тумани “Катта боғ” маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари
6. **САМАДОВ** Холмамат Жўраевич
Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими ижрочи директори
7. **ҚОДИРОВ** Абдуғани Мамараимович
Сурхондарё вилояти “Ишонч” телерадиокомпанияси раҳбари
8. **НОРҚОБИЛОВ** Салоҳиддин Боборайимович
“Сурхон тонги” “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти давлат корхонаси бош муҳаррири
9. **ПАРДАЕВ** Алишер Очилович
Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгаши раиси
10. **КАДИРОВА** Муяссар Джумаевна
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Изоҳ: мазкур гуруҳ Шеробод, Бойсун, Қизириқ, Термиз т, Термиз шаҳар туманларида фаолият олиб боради

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши аъзолари таркиби

3-ГУРУҲ

1. **ҚОБУЛОВА** Мавлуда Умаржоновна
“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг Сурхондарё вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси раҳбари,
(ишчи гуруҳ раҳбари)
2. **РАХИМОВА** Райхон Абдурасуловна
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ўқув курси директори
3. **ХИДИРОВА** Зулҳумор Абдирашидовна
Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
4. **АХМЕДОВ** Абдукарим Абдурахманович
Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси
5. **РЎЗИЕВ** Алишер Абдимуминович
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси
6. **ЧОРИЕВ** Жамшид Шокиржонович
Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
7. **МИНГБОЕВ** Баҳриддин Хуррамович
Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси директори
8. **РАХМОНҚУЛОВА** Феруза
“Сурхон тонги” “Заря Сурхана” газеталари таҳририяти давлат корхонаси бош муҳаррири ўринбосари

9. **РАХМАТУЛЛАЕВА** Наргиза
Абдурахмоновна

Республика Маънавият ва маърифат
маркази вилоят бўлими рахбари
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича
Вакили (омбудсман)нинг Сурхондарё
вилоятидаги минтақавий вакили

10. **АРТИҚОВ**
Абдирашид Заирович

*Изоҳ: Мазкур гуруҳ Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманларида фаолият олиб
боради*